



2018 йил 07 август № 406

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 августдаги “Ўза парваришида юзага келган мураккаб вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда ҳосилга ҳосил қўшишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 613-сонли қарори ҳақида**

Жорий йилда ўза вегетациясининг бошланғич даврида об-ҳавонинг қуруқ ва салқин келиши ўза парваришида ўта мураккаб вазиятни юзага келтирди ва вилоятда ўзанинг ривожини 12-14 кунга кечикди.

Жумладан, Фарғона туманида ўзанинг ривожини ўртача 8-10 кунга, Тошлоқ, Қўштепа, Қува ва Ёзёвон туманларида 10-14 кунга орқада қолмоқда.

Шу билан бирга, агротехник тадбирларни муддатида амалга оширилмаганлиги оқибатида қуйидаги ҳолатлар кузатилмоқда:

**биринчидан**, ривождан орқада қолган майдонларга қўшимча агротехник тадбирлар - культивация, чуқур юмшатиш ишлари тўлиқ ўтказилмаганлиги оқибатида қолоқ майдонлар Қўштепа туманида 638 гектарни, Боғдод туманида 440 гектарни, Фарғона туманида 348 гектарни, Бешариқ туманида 705 гектарни ва Ўзбекистон туманида 592 гектарни ташкил этмоқда;

**иккинчидан**, Боғдод, Бувайда ва Данғара туманларида иккинчи суғориш тўлиқ ўтказилмаганлиги сабабли айрим ўза майдонлари чанқатиб қўйилган. Ушбу туманларда шарбат усулида суғоришга етарли эътибор қаратилмаган;

**учинчидан**, ўза зараркунандаларига қарши кураш ишлари тизимли ташкил этилмаганлиги сабабли Ёзёвон ва Боғдод туманларида 540 гектар майдонга кўсак қурти ўза ҳосилига сезиларли даражада зарар етказган.

Бундан ташқари, Олтиариқ, Риштон ва Учкўприк туманларида ўза майдонлари ўргимчаккана билан зарарланишига йўл қўйилган.

Вилоятда ўза парваришида юзага келган фавқулодда ҳолатнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, ривожланишда орқада қолган майдонларда қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича 2018 йил 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.М.Мирзиёев ҳузурида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 августдаги “Ўза парваришида юзага келган мураккаб вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда ҳосилга ҳосил қўшишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 613-сонли ижросини таъминлаш мақсадида

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 августдаги 613-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Барча туманларнинг 4 та сектор раҳбарларига ўза парваришида агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда ўтказиш, шунингдек, ривожланишда орқада қолган майдонларда қўшимча агротехник тадбирларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўза парваришида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги, мавсум давомида хотиржамликка берилиб, агротехник тадбирларни белгиланган муддатда тўғри ташкил этмаганлиги, ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганлиги сабабли Боғдод (туман ҳокими С.Зокиров, туман прокурори О.Собиров, туман ички ишлар бўлими бошлиғи А.Сотиболдиев, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ғ.Юсупов) туманининг 4 та сектор раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўза парваришида юзага келган фавқулодда вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини тизимли ташкил қилиш асосида кафолатланган пахта ҳосиллини яратиш мақсадида жорий йилнинг 5 сентябрга қадар вилоятда “Ўза парваришида зарбдор 40 кунлик” эълон қилинсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Тешаев, вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, туманлар 4 та сектор раҳбарлари, фермерлар, сувчилар ва механизаторларнинг 2018 йил 5 сентябрга қадар доимий равишда далада бўлишини таъминлаган ҳолда “Ўза парваришида зарбдор 40 кунлик”да:

Ўзани 5 маротаба (август ойида 4 маротаба, сентябрь ойида 1 маротаба) культивация қилиш;

Ўсимликнинг ўсишини бошқарувчи ва қўшимча ҳосил олишни таъминловчи биостимуляторлар билан камида 2 марта ишлов бериш;

Ўза зараркунандаларига қарши биомахсулотларни далага чиқариш, ўргимчаккана, кўсак қурти ва беда қандаласи тушган майдонларда кимёвий ишлов ўтказиш;

ғўзани камида икки марта фақат шарбат усулида суғоришни ташкил қилиш, тунги суғориш ишларини алоҳида назоратга олиш;

жорий йилнинг 10 августига қадар барча ҳудудларда ғўзани чеканка қилиш ишлари сифатли ўтказилишини ташкил этсинлар.

6. Ички ишлар бошқармаси, туманлар ҳокимликлари билан биргаликда “Механизаторлар уйлари”га бириктирилган ички ишлар ходимларининг масъулиятини оширган ҳолда “Ўза парваришида зарбдор 40 кунлик”да механизаторларнинг доимий равишда далада бўлишини, ишни ҳар куни “топшириқ-ҳисобот” тизими асосида самарали ташкил этилишини таъминласин.

Туманлар ҳокимлари “Механизаторлар уйлари”да механизаторлар учун ётоқ жой, иссиқ овқат ва бошқа зарур шароитларни яратиш учун масъул этиб белгилансин.

7. “Агрокимёхимоя” ХАЖ, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, туман ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд ОВХ агрегатлари ва қўл аппаратларини отрядларга бириктирган ҳолда, биринчи навбатда ғўза зараркунандалари ўчоғи бўлган майдонларга кимёвий ишлов беришни, шунингдек, август ойида ғўза майдонларига икки марта тўлиқ биостимуляторлар билан ишлов беришни куннинг кечки пайтида “топшириқ-ҳисобот” тизими асосида ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармасига “Механизаторлар уйлари”да барча шароитларнинг яратилиши, культиваторлар ва бошқа механизмларнинг “отряд” усулида ишлаши тизимнинг ишлаши устидан тизимли назорат ўрнатиш тавсия этилсин.

#### 8. “Сирдарё-Сўх” ИТХБ:

ҳудудий сув хўжалиги ташкилотлари ходимларини ғўзани суғориш учун фермер хўжалиқларига номма-ном бириктирсин. Бунда:

мавжуд сув ресурсларини оқилона тақсимлаган ҳолда ғўзани яна икки марта шарбат усулида суғоришга;

етказиб берилган кўчма эгилувчан қувурлардан самарали фойдаланишга, сув таъминоти оғир майдонларни сув билан таъминлашга;

сувчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга, навбатлаб суғориш тизими жорий этилишига ва тунги суғоришга алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Туманларда “Ўза парваришида зарбдор 40 кунлик”да ғўза парвариши бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва амалий ёрдам бериш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Вилоят ишчи гуруҳи:**

туманларда “Ўза парваришида зарбдор 40 кунлик”да ўза парвариши бўйича ушбу қарор билан белгиланган агротехник тадбирлар бажарилишини контурма-контур ўрганилишини ташкил этсин;

ҳар бир ҳудудни ўрганиш натижалари бўйича вилоят ҳокимлигига ёзма ахборот киритиб борсин.

10. Фарғона телерадиокомпанияси ва “Фарғона ҳақиқати” газетасига “Ўза парваришида зарбдор 40 кунлик” давомида амалга оширилаётган ишлар, жумладан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида махсус кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Тешаев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев.

**Вилоят ҳокимининг  
2018 йил “\_\_\_\_\_” августдаги  
\_\_\_\_\_ -сонли қарорига  
илова**

**Туманларда “Ѓўза парваришида зарбдор 40 кунлик” да ғўза  
парвариши бўйича амалга оширилаётган ишларни  
ўрганиш ва амалий ёрдам бериш бўйича вилоят  
ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>ФИШ</b>	<b>Лавозими</b>
1	Ш.Тешаев	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
2	О.Хожиматов	Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3	<i>Келишилган ҳолда</i>	Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
4	А.Рахматуллаев	“Сирдарё-Сўх” ИТХБ бошлиғи
5	А.Азизов	“Агрокимёҳимоя” ХАЖ директори
6	Б.Касимов	“Фарғона пахта терминали минтақавий филиали” АЖ раҳбари
7	И.Валиев	Ветеринария бошқармаси бошлиғи
8	З.Тўйчиев	“Фарғона Нефт база” МЧЖ раҳбари
9	А.Азимов	“Агробанк” АТБ вилоят бошқармаси бошлиғи
10	М.Юнусов	“Агросервис МТП” МЧЖ раҳбари
11	Э.Эркаев	“Агролизинг” АЛК вилоят филиали раҳбари
11	К.Юлдашев	Бешариқ ПТЗ раиси
12	А.Рахмонов	Боғдод ПТЗ раиси
13	А.Эралиев	Қува ПТЗ раиси
14	К.Қозихонов	Риштон ПТЗ раиси
15	И.Тошпўлатов	Тошлоқ ПТЗ раиси
16	И.Камилов	Ўзбекистон ПТЗ раиси
17	Ш.Зокиров	Қўқон-2 ПТЗ раиси





